



ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
30 ноябрь куни гидроэнергетика
соҳасидаги лойиҳаларга оид тақдимот
билан танишди.

Мамлакатимизда энергетика соҳаси кенг қўламда ривожлантирилмоқда. Нефть, газ каби углеводородлар билан чекланиб қолмасдан, қуёш, шамол ва сувдан электр энергияси олиш ишцоотлари барпо этилмоқда.

Хусусан, 2017 йилда Президент фармони билан “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилган эди. Утган даврда 11 та янги гидро электр станцияси қурилиб, 8 таси модернизация қилинди. Натижада 244 мегаваттлик қўшимча қувват яратилди.

Лекин юртимизнинг гидроэнергетика салоҳияти 50 фоиз ишга солинган, холос. Шу боис, жами 740 мегаватт қувватли 21 та ийрик лойиҳа ишлаб чиқилган. Хусусан, келгуси йилда 170 мегаваттли 7 та, 2023-2024 йилларда 150 мегаваттли 12 та ҳамда 2025-2026 йилларда 420 мегаваттли 2 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдимотда ушбу ишцоотларни сифатли қуриш ва барқарор ишлашини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари тўғон талаб этмайдиган кичик гидростанциялар қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бунга хусусий

секторни жалб қилиш кераклигини таъкидлади.

Бугунги кунда 22 та шундай истикболли майдон рўйхати шакллантирилган. Уларда қуввати 5 мегаваттгача бўлган мини гидро электр станциялар қуриш бўйича тендер эълон қилиниши белгиланди.

Шунингдек, Норин, Сўх, Танхоз, Оқ булоқ, Угам каби дарёлар ва каналларда 500 киловаттгача қувватга эга ихчам гидростанциялар ўрнатиш имконияти бор. Тадбирда қайд этилганидек, бундай жойлар рўйхати аҳоли ва тадбиркорларга эълон қилинади. Бунда қуёш, шамол электр станциялари ўрнатгани учун аҳоли ва тадбиркорларга қандай имтиёзлар берилган бўлса, кичик гидростанциялар учун ҳам шундай имтиёз ва субсидиялар қўлланилиши айтилди.

Гидроиншоотларни ишлатиш учун малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Техника, ирригация ва архитектура йўналишидаги олий ўқув юртларида бунга алоҳида аҳамият қаратиш, уларда қурилиш ҳамда гидравлик лабораториялар ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

ЎЗА

ЯНГИ МАССИВЛАР ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон
Президенти лавозимига
киришиш маросимида келгусида
1 миллиондан ортиқ аҳоли учун
барча қулайлик ва ижтимоий
инфрамузилмага эга бўлган
“Янги Ўзбекистон” массивлари
бунёд этилишини айтган эди.

Шу йил 2 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу дастурнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Утган бир ойда янги массивлар учун шахар ёки туман марказига яқин, инфрамузилмага эга жойлар танланиб, дастлабки лойиҳалар шакллантирилди.

Мазкур лойиҳалар 30 ноябрь куни давлат раҳбари ҳузурида тақдимот қилинди.

Режага кўра, келгуси йилда 22 та янги массив барпо этилади. Қурувчи ташкилотларга енгиллик бериш мақсадида фақатгина кўп қаватли уй-жой майдонининг ўзи аукцион орқали сотилади. Туташ майдонлар эса, қурилиш битганидан кейин, уй-жой мулкдорларига умумий фойдаланишга берилади. Тадбиркорлик учун ер участкалари электрон онлайн аукцион орқали ажратилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур янги мавзелада кўп-лаб мактаб, боғча ва тиббиёт муассасалари қуриш бўйича кўрсатмалар берди. Кичик саноат зонаси, тадбиркорлик объектлари ташкил этиш орқали камиди 50 мингта иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Худуд раҳбарлари қурилишни ташкил этиш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

“ҚЎҚОН” ЭИЗ: ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги фармонида асосан ташкил этилган “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси 3 та ҳудуддан иборат бўлиб, 709,3 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда машинасозлик, тўқимачилик, электротехника, фармацевтика, озиқ-овқат, чарм-пойабзал тармоқларида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

3 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

ҲАР БИР ИНСОН ТАҚДИРИ ЭЪТИБОРДА



Ханим Йўлдошев оingan сурат.

Меҳр ва эътибор — инсон учун энг зарур эҳтиёж. Ўз вақтида, ўз ўрнида қаратилган эътибор, кўрсатилган меҳр ҳар бир одамни ҳаракатга ундайди, ҳаётга бўлган қарашларига ижобий таъсир кўрсатади, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЙЛИГИ

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гап борганида, аввало, таъкидлаш жоизки, бу тамойил ҳар бир мамлакат Конституцияси асосида амалга ошади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли ҳуқуқий кафолат яратилган. Айниқса, кейинги йилларда юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида жуда катта натижаларга эришилди.

Хусусан, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоялаш ва уларга риоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам берилди. Суд-ҳуқуқ соҳасида тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараёнда суд ҳокимияти фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айланди. Президентимиз “судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик бўлиши керак”, деган ғояни илгари сурди. Ана шу ғоя асосида жинсий жазолар либераллаштирилди. Ҳуқуқни муҳофаза қи-

лувчи органлар ва суд идораларининг кўп йиллар давомида сақланиб келган, асосан, жазолашдан иборат бўлган функциясига чек қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қабул қилинди. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Бу ҳам мамлакатимизда юриштилатган оқилона сиёсатнинг юксак ҳалқаро эътирофи сифатида буй кўрсатди.

▶ Давоми 3-бетда

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ КАФОЛАТИ

кўзлаган мақсадларимизга эришишда
муҳим асос бўлади

Шу кунларда юртимизда Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик қўрилмоқда. Айтиш жоизки, Бош қонунимизда халқимизнинг кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлиги кафолати бўлмоқда.

Конституциямизда белгиланган тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши халқимиз, жумладан, юрти-миз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг оилада, жамиятда фаоллигини оширишнинг муҳим омилдир.

Жамиятда гендер тенглик таъминланиши адолатли ва демокра-

тик жамиятнинг ғоят муҳим мезони ҳисобланади. Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли экани мустаҳкамлаб қўйилгани бу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаётир.

▶ Давоми 3-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистон Панама
билан дипломатик
муносабатлар ўрнатди



Панама Республикаси Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган 138-мамлакат бўлди. Нью-Йоркда Ўзбекистон ва Панама ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгани тўғрисидаги Қўшма коммюнике имзоланди.

Икки мамлакат ҳукуматлари номидан ҳужжатга Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов ва Панаманинг БМТдаги доимий вакили, элчи Маркова Консепсион Жарамилла имзо қўйди.

Панама Марказий ва Жанубий Америка туташган жойда, Атлантика ва Тинч океанлари ораллигида жойлашган ва муҳим юк ташиш йўлини таъминлайдиган давлатдир.

Томонлар халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ ва унинг ихтисослашган идоралари доирасида алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади. Ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли йўналишлари, жумладан, 3 ноябрдан буён Ўзбекистон доимий кузатувчи мақомига эга бўлган Америка давлатлари ташкилоти доирасида икки томонлама муносабатларни фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди.

Панама билан мазкур ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Америка давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Маълумот ўрнида, мамлакатимиз жорий йил 14 май куни Доминика Ҳамдўстлиги билан ҳам дипломатик муносабатлар ўрнатган.

“Дунё” АА

Нью-Йорк





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

3 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ



Ханим Юлдошев олган суратлар.

ҲАР БИР ИНСОН ТАҚДИРИ ЭЪТИБОРДА

Бошланиши 1-бетда

Бугун мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга кенг имконият яратиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Юртимиздаги ҳар бир фуқаро, жумладан, ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган юрдошларимизнинг тўқс ва фаровон ҳаёт кечириши, ўзи истаган касб-хунарни эгаллаши, тадбиркорлик қилиши, қўйингки, жамиятда фаол бўлишига шароит яратилмоқда. Уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда. Муҳими, бу каби юрдошларимизнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф этиляпти.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида “Биз турлимиз, биз тенгмиз — бир жамоа” шиори остида бўлиб ўтган тадбир ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган юрдошларимиз учун аjoyиб тўхфа бўлди. “Замин” халқаро жамоат фонди, “Имкон” ихтисослашган кўптармоқли реабилитация маркази ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ихтисослашган мактаб-интернат тарбияланувчилари, Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчилари, шунингдек, республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган ёшлар иштирок этди.

— Бугунги тадбир биз учун муҳим байрамлардан бири, — дейди Ўзбекистон пара-енгил атлетика терма жамоаси бош мураббийи Сардор Абдухолиқов. — Айниқса, биз бу йилги байрамни ўзгача кайфиятда, кўтаринки руҳда қарши оляпмиз. Хабарингиз бор, Токиода ўтган паралимпия ўйинларида спортчиларимиз залворли ютуқларни қўлга киритди. Президентимиз ва халқимиз томонидан билдирилган ишонч, имкон қадар оқлашга ҳаракат қилишди. Бугунги тадбирга махсус мактаб-интернетлар ўқувчилари, турли ёшдаги ногирон ва имконияти чекланган юрдошларимиз ҳам таклиф этилдики, спортчиларимиз

эришган муваффақиятлар уларга мотивация бериши шубҳасиз. Халқимиз орасида чекланган имконият билан тушунлиққа тушган ёки дастлаб қандай йўл тутушни, тўғри қарор қабул қилишни билмай турган ёшлар бор. Бугунги тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси бу ердан “Менда ҳам имкон бор!” деган қатъий ишонч билан чиқади. Юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам мавжуд шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган, ўз йўналиши бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони деган юксак шарафли номга сазовор бўлаётган спортчи ёшлар учун катта мотивация манбаи бўлишига ишонамиз.

Эл севган санъаткорлар ҳамда бадий жамоаларнинг чиқишлари тадбирга йиғилганларни мамнун қилди. Концерт дастурида ногирон ва имконияти чекланган ёшлар ҳам қатнашиб, ўз маҳоратини намойиш этди.

— Чекланган имконият билан ҳам инсон катта мақсадларни амалга ошириши мумкин, — дейди Зухра Ражабова. — Шифокорлар менга хондродисплазия ташхисини қўйишгач, уйдагилар тушунлиққа тушган. Атрофдагилар чекланган имконият билан қўлимдан

бирор иш келишига шубҳаланган. Қиз бола эканим бу хавотирни икки ҳисса оширган. Бироқ мен жамиятда ўз ўрнини топишга астойдил ҳаракат қилмаман. Бўш вақтимда китоб меннинг яқин ҳамроҳим. Айни пайтда сурдопедагог бўлиш учун ўқув марказида таҳсил оляпман. Тўғри, бу осон кечаётгани йўқ. Ҳар бир меҳнат ортида заҳмат, машаққатли машғулотлар бор. Бироқ бу иродамини тобляпти, матонат бағишлаб, инсон имкониятлари бениҳоя чексиз эканини кўрсатяпти. Келажақда моҳир сурдопедагог сифатида жамиятга фойдам тегишини хоҳлайман. Бугунги тадбир давомида параспортчилар билан кўришиб, суҳбатлашиб, ўзим учун катта куч олдим. Тадбир доирасида нафақат спорт, балки тил ўрганиб, таржимонликка даъвогар ёки санъат йўналишида муваффақият қозонаётган тенгдошларим — барчамиз “Биз турлимиз, биз тенгмиз — бир жамоа” деган эзгу ғоя атрофида бирлашдик. Таниқли санъаткорларнинг куй-қўиқлари бизга кўтаринки кайфият бағишлади.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



КОРРУПЦИЯСИЗ БИЗНЕС

ҲАЛОЛ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Пойтахтимизда “Ўзбекистон бизнес ҳамжамиятида ҳалоллик” мавзусида бизнес-форум бўлиб ўтди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва бошқа давлат, нодавлат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва ташкилотлар масъуллари, ишбилармон доира вакиллари иштирок этди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурҳонов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича қўллаб-қечловларга барҳам берилди.

Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Охири беш йилда тадбиркорлар сони



қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.Қосимов, тадбиркор З.Ҳошимов ва бошқалар мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган коррупцияга қарши кескин курашиш, бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш, жамиятда ишбилармонлик муҳитини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилаётган натижалар хусусида сўз юритди.

Таъкидланганидек, юртимизда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланиб, ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури ҳабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни

қарийб 3 баробар ошди. Қўллаб-ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади. Натижада минглаб иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 август кунини тадбиркорлар билан очик мулоқотида бу йўналишда эришилаётган натижалар таҳлил этилиб, тадбиркорлик ривожига билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур бизнес-форум ҳам ушбу йўналишда бошланган эзгу ташаббусларнинг мантикий давомидир.

Форумда БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси талаблари асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган “Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш Хартияси” хусусида сўз юритилди. Ҳужжат вазирликлар, идоралар,

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоатчилик ташкилотлари мутахассислари иштирокида кенг муҳокамадан ўтказилган. Бу йўналишда дунёдаги илгор халқаро стандартлар ва бир қатор тараққий этган хорижий давлатларнинг хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш чораларини жорий этиш борасидаги тажрибаси ўрганилди.

— Хартия тадбиркорлик субъектнинг молиявий фаолиятини бошқариш, шартнома муносабатлари, кадрларни танлаш ва ўқитиш, ички интизом ва қонунийликни мустаҳкамлаш, давлат харидлари каби муҳим йўналишларда коррупция хавфларининг олдини олишга қаратилган комплекс чораларни ўз ичига олган, — деди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими Нуриддин Икромов. — Унда белгиланган таъминотларнинг амалиётга жорий этилиши хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, ҳалол тадбиркорларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш имконини беради. Коррупцияга қарши курашиш хартияси аъзолигига қўшилиш ва “Ягона реестр”ни юритиш тартиби тегишли низом билан тартибга солинади. Низомда тадбиркорлик субъектлари томонидан хартияга қўшилиш, маълумотларни электрон “Ягона реестр”да акс эттириш ва ундан чиқариш тартиби аниқ белгилаб берилди. Реестрни юритишга Савдо-саноат палатаси масъул.

Форум доирасида, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Тадбир якунида экспертларнинг фикр ва тавсиялари, тадбиркорлик субъектлари томонидан билдирилган мулоҳазалар, хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Польшада Ўзбекистон тарихига бағишланган фотоқўргазма ва халқ амалий санъати намуналари экспозицияси очилди

Польшанинг Ополе шаҳрида таниқли поляк сайёҳи, этнографи ва тарихчиси Леон Баршевский томонидан XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрида олинган фотосуратлар қўргазмаси ҳамда халқ амалий санъати намуналари экспозицияси очилди.

Тадбир Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси томонидан минтақа марказий кутубхонаси, шунингдек, Леон Баршевскийнинг чевараси ва архив эгаси Игорь Сторецки билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фотоматериаллар муаллифи Самарқандда 1876 йилдан бошлаб 21 йил давомида яшаб, ўзбек халқининг анъана ва урф-одатлари, ўша даврдаги тарихий воқеалар акс этган 3 мингдан ортиқ сурат қолдирган.

Ушбу қўргазмани ўтказишдан мақсад Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, анъаналари, шунингдек, амалий санъати ва сайёҳлик салоҳиятини намойиш этишдан иборат.

Тадбирда минтақа администрацияси ва марказий музей ходимлари, тарихчилар, маданият ва санъат намояндалари, таниқли амалий санъат усталари, журналистлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди.

Қўргазмада ўша даврга оид 600 га яқин фотосурат, 50 дан ортиқ экспонат, жумладан, хунарандчилик маҳсулотлари, миллий либослар, заргарлик буюмлари ва бошқа амалий санъат

асарлари намойиш этилмоқда. Декабр ойининг охирига қадар давом этадиган қўргазма Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихида яна бир саҳифани кашф этиш ва мамлакат маданиятига қизиқиш билдирган этнограф ва санъатшунос, тарихчи ҳамда музейшунос-

лар, шунингдек, халқ амалий санъати ихлосмандлари ва муҳлисларининг эътиборини тортмоқда.

Ўзбекистоннинг Польшадаги элчиси Баҳром Бобоев мамлакатимизнинг қадимий тарихи ва бугуни, мустақил тараққиёт йилларида эришаётган



муваффақиятлари ҳақида сўзлади. Республикада туризм саноатини ривожлантириш, хунарандчилик анъаналари, миллий урф-одатлар ва бой меросимизни асраб-авайлаш учун яратилган шароитларни қайд этди.

Қўргазма иштирокчилари диққат-эътибори Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалий санъат ва халқ хунарандчилиги, шунингдек, туризм индустриясини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ва дастурларга қаратилди.

Тадбирда меҳмонларга Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий тараққиётига оид ахборот материаллари, буклетлар, турли босма маҳсулотлар тарқатилди.

Польша — Ўзбекистон маданий-гуманитар ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун Игорь Сторецки “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди. Мукофотни элчи Баҳром Бобоев тантанали тарзда топширди.

— Бугунги Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлар қаторида сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва иқтисодиётнинг изчил ривожланиётганини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди Игорь Сторецки. — Қўргазмаларни Польша



ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-гуманитар шериклик ривожига мустаҳкамланишига ҳисса қўшаётганидан фахрланаман.

У сўнгги саккиз йил давомида бобосининг фотоархивини шакллантириб, Польшанинг турли минтақа ва шаҳарларида 130 га яқин қўргазма ташкил қилиб, кенг жамоатчилик вакиллари ва ижодкор зиёлилар эътиборига ҳавола этди.

Игорь Сторецкининг таъкидлашича, ўзбек халқи улкан тарихий тараққиёт

йўлини босиб ўтган, мукаммал инфраструктурага эга давлат бўлиб ўтишга муваффақ бўлган. Ўзбек халқининг Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Улуғбек, Бобур ва бошқа буюк аждодларининг мероси юксак кадрланмоқда. Уларнинг ҳаёт йўли, асарларини ўрганиш, фаолиятига муносиб баҳо бериш Ўзбекистонда маънавият ва маданият юксалишининг кўрсаткичларидан бирига айланган.

“Дунё” АА

Варшава

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ИМКОНИАТЛАРИ КАФОЛАТИ

кўзлаган мақсадларимизга эришишда муҳим асос бўлади

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилган.

Сўнги йилларда миллий қонунчилигимиз ва халқаро конвенциялар орқали бу йўналишда зиммага олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан кенг қамровли ишлар қилинди. Натижада 15 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзоланди. Хусусан, 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимиз 2019 йил 7 март куни “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенг-



имкониятлар таъминланмоқда. Сайлов кодексининг 70, 91-моддаларига асосан, аёллар сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак. Номзодлар ўртасида аёллар иштирокини ошириш бўйича норма белгилаш жаҳон тажрибасида мавжуд бўлиб, Албания, Босния ва Герцеговина, Шимолий Македония, Греция, Черногория, Польша, Сербия, Словения, Арманистон, Қирғизистон, Испания қонунчилигида бунинг аққол далилини кўришимиз мумкин.



лик масалалари қўмитаси иш бошлади. Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилиб, у хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Олий Мажлиса ахборот тақдим этиши белгиланган бўлибди.

Эндиликда давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланади. Ваколатли шахсининг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбари ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш институти ташкил этилди. Бу йўналишда ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштириш жамиятда ўз махсулини бера бошлади. Масалан, 2019 йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловда 1 минг 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланган бўлса, турли қорхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар 2017 йилги 44,2 фоиздан 2019 йилда 45,3 фоизга етди.

Хотин-қизлар сайлов жараёнида сайловчи, депутатликка номзод, сайлов комиссияси аъзоси, қузатувчи, партиянинг ваколатли вакили, ишончли вакил сифатида эркаклар қатори тенг, эркин, очик ва ошқора иштирок этмоқда.

Сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақида сўз кетганда, таъкидлаш ўринлики, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди. Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб, барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини, етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бугун халқимиз янги Ўзбекистонни қуриш, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишдек эзгу ва улғувор мақсад йўлида ёруғ келажақ сари илгарилаб бормоқда. Бундай улкан мақсадларга эришишда юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, албатта, ўз самарасини беради.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЙЛИГИ

Бизнинг устувор вазифамиз — инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бу жамиятда тинчлик ва барқарорлик, фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий шартидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг
“Янги Ўзбекистон стратегияси” китобидан

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз халқаро миқёсда ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ташаббускори бўлиб келаётди.

Давлатимиз раҳбари таклифи асосида БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилинди. Президентимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида ўзбек тилида сўзлаган нутқида ушбу нуфузли ташкилот шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясини ўтказиш, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб глобал форум ўтказиш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, бу ташаббусларнинг барчаси халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб улгурди.

Албатта, бу борадаги ишлар келгуси беш йиллик — тараққиётимизнинг янги босқичида ҳам тизимли ва изчил давом этади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимидаги нутқида “Асосий қонунимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон ҳақри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади”, дея алоҳида таъкидлади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, асосий манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантиришда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази алоҳида ўрин тутади. Марказ давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрла-нишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлаш борасида иш олиб бормоқда.

Миллий марказ ташкил этилганига 25 йил тўлди. Шу муносабат билан мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Марказ инсон ҳуқуқларига тааллуқли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда бевосита иштирок этади, шунингдек, уларга эксперт хулосалари, таклифлари ва мулоҳазаларини тайёрлайди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларини бажариш бўйича давлат органлари фаолияти устидан фуқаролик назоратини олиб боришга кўмаклашиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жумладан, стратегияда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига киришини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан мазкур стратегияни амалга ошириш учун давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан қонун устуворлигини қарор топтириш, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилинишга муҳтож шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш, сифатли таълим ва тиббий хизматлар олиш учун кенг имкониятлар яратиш, кекса ёшдагиларни ижтимоий интеграциялаш, болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.



БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қақирғига жавобан мамлакатимизда 2020 йилда 50 минг ватандошимизга Ўзбекистон фуқаролиги тақдим этилди. Бу йил яна 20 минг одамга фуқаролик берилиши режалаштирилган. БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Ўзбекистоннинг ана шу соҳадаги ташаббусини ўрганиш лозимлигини эътироф этди.



“

БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қақирғига жавобан мамлакатимизда 2020 йилда 50 минг ватандошимизга Ўзбекистон фуқаролиги тақдим этилди. Бу йил яна 20 минг одамга фуқаролик берилиши режалаштирилган. БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Ўзбекистоннинг ана шу соҳадаги ташаббусини ўрганиш лозимлигини эътироф этди.

”

Ўзбекистон ҳозирги пайтда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 6 та асосий шартнома ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Марказ инсон ҳуқуқларига тааллуқли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда бевосита иштирок этади, шунингдек, уларга эксперт хулосалари, таклифлари ва мулоҳазаларини тайёрлайди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларини бажариш бўйича давлат органлари фаолияти устидан фуқаролик назоратини олиб боришга кўмаклашиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилган, “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони ҳам таъсис этилган. Бугунги кунда мамлакатимизда 9200 дан кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Миллий марказ Исрол ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари декларацияси муаллифларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, марказ БМТнинг инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси” жаҳон дастури асосида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим муассасалари вакиллари учун умуминсоний кадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш тамойиллари, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишини таъминлашга йўналтирилган таълим машғулотларини олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва ҳимоялаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрланади.

Инсон ҳуқуқлари ойлиги доирасида фуқароларнинг, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига доир давра суҳбатлари, мазкур масалаларга бағишланган янги нашрлар тақдимотлари, олий таълим муассасалари талабалари, мактаб ўқувчилари учун маҳорат дарслари ва амалий машғулотлар, “COVID-19 пандемияси даврида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” мавзусида республика танлови, Халқаро инсон ҳуқуқлари куниде фаолларни “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишонлари билан тантанали тақдирлаш маросими ўтказилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш — янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шартига айланган. Шу боис, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислохотларимиз амалий натижадорлиги билан узвий давом этишига шубҳа йўқ.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



“ҚЎҚОН” ЭИЗ:

ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

“ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган имтиёз, имкониятлар янги лойиҳа ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда. Бундан ташқари, эндиликда импорт ўрнини босувчи кўплаб маҳсулотлар маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилиб, экспортга йўналтирилаётгани билан эътиборни тортади.

Дашту далалардаги саноат корхоналари

Бошланиши 1-бетда

Бир томони кўҳна Қўқоннинг жанубий сарҳадлари бўйлаб ястаниб кетган дашту далаларда ҳаёт тарзи ўзгарди. Қисқа фурсатда ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти учун зарур

бўлган йўл ва йўлаклар, сув, табиий газ, электр тармоқлари тортилди, 11,9 километр асфальт қопламалар ётқизилди. — Айни кунда “Қўқон” ЭИЗ-да умумий қиймати 308,2

миллион АҚШ доллари бўлган 96 та инвестиция лойиҳаси татбиқ қилинган, — дейди ЭИЗ директори Фахриддин Раҳмонов. — Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида фойдаланишга топширилган 51 та саноат корхонаси томонидан умумий қиймати 1 триллион 364 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 43,8 миллион долларлик товар Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистонга экспорт қилинди. Янги лойиҳаларни ишга тушириш орқали 4757 та янги иш ўрни яратилди. Умумий қиймати 176,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция жалб этилди. Ушбу маблагнинг 65,8 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зона жойлашган ҳудудга чегарадош туманлардаги ёшларни иш

билан таъминлаш ва уларни касб-хунарга тайёрлаш маркази ишлаб турибди.

Шу кунга қадар корхона ва ташкилотлардан келиб тушган талаб ва таклифлар асосида 500 нафардан ортиқ ёш касб-хунарга йўналтирилди.

— “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида ёшлар маркази фаолият кўрсатаётганини эшитиб бу ерга келдим, — дейди учкўприклик Рисолат Маҳмудова. — Уларнинг тавсияси билан “Great Kokand” ишлаб чиқариш цехида чилангарликни ўрганиб ишга жойлашдим. Танлаган касбимдан фахрланаман. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун барча қулайликлар яратилган. Маошларимизни вақтида оламиз, текин тушлик, ишга келиб-кейтиш учун транспорт ажратилган. Бундан ташқари, марказ ташаббуси билан турли спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказиб келинади.

Корхонада бахт топганлар

Болалар тагликлари ва шахсий гигиена воситаси ҳамда нам салфеткалар тайёрлашга ихтисослашган “Pipitto” корхонаси янги қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспортни кўпайтириш ҳаракатида.

— Шу мақсадда эркин иқтисодий зона ҳудудидан яна 3 гектар ер ажратиб берилди, — дейди корхона раҳбари Мақсуджон Мансуров. — 5 миллион доллар инвестиция жалб этиб, 2 та ишлаб чиқариш линияси олиб келдик. Янги корхонада йилга 70 миллион донга болалар таглими ва шахсий гигиена воситалари ишлаб чиқарилади, шунингдек, 200 та янги иш ўрни яратилади. Албатта, булар ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ. Саноат зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар фойда солиғидан озод қилинган. Бу жуда катта имконият. Шу боис, янги лойиҳаларда маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш, турларини кўпайтиришга эътибор берамиз.

Дарҳақиқат, корхонада 45 миллион донга маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган линия ишлаб турибди. Жорий йилнинг шу кунига қадар 2 миллион долларликдан ортиқ маҳсулот Россия, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилинди.



— Турмуш ўртоғим Муқаддасхон билан шу ерда танишиб, оила қурдик, — дейди дангаралик ишчи Авазхон Мадаминов. — Бир фарзандимиз бор. Бу ерда биз каби оила қуриб, мустақил ҳаёт йўлини бошлаган ёш оилалар кўпчиликини ташкил этади. Ҳамма ҳамжиҳат, ўзаро аҳил-иноқликда меҳнат қилиб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

“Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида фойдаланишга топширилган 51 та саноат корхонаси томонидан умумий қиймати 1 триллион 364 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 43,8 миллион долларлик товар Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистонга экспорт қилинди. Янги лойиҳаларни ишга тушириш орқали 4757 та янги иш ўрни яратилди.

Янги лойиҳалар — янги имкониятлар

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги истиқболли корхоналардан яна бири “Kokand Bicycles” масъулияти чекланган жамиятидир. Умумий майдони 1 гектар бўлган корхонада ўндан ортиқ турдаги велосипед, электр скутерлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда харидордир. Шу кунга қадар корхонанинг 3 миллион долларликдан ортиқ маҳсулоти экспортга йўналтирилди.

— Ҳозир иккинчи лойиҳа — велосипед гилдираги учун камера ишлаб чиқариш устида ишляпмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Мухсинжон Абдурахмонов. — Бу мақсадлар учун 6 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдоридан сармоя жалб этилмоқда. Натижада маҳсулот таннархи арзонлашади, ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳисса ошади, юздан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Корхона ҳудудга туташ маҳаллада яшаётган, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”да

бўлган фуқароларни касаначилик асосида ишга жалб этмоқда.

— Ногирон фарзандим бор, “Темир дафтар”да тураман, — дейди Мадина Акбарова. — Шу сабабли ишга бориб-келиш имкониятига эга эмасдим. Менга касаначилик асосида велосипед бутловчи қисмларини йиғишни таклиф этишди, бажонидил рози бўлдим. Уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда иш билан таъминландим. Ҳар ой бажарган ишимизга қараб 2 миллион сўмдан зиёд ҳақ олам.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиши натижасида аҳоли яшаш масканларини тиклаш, мактаб, боғчалар фаолиятини йўлга қўйиш, дам олиш, савдо ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қурилишига бўлган эътибор ҳам ошиб бормоқда.

— Шу кунга қадар “Боғи бустон” МФЙда кўп қаватли 14 та уй қуриб битказилди. Яна кўп қаватли 9 та уй жадаллик билан қуриляпти. Муллазоир массивида эса 2 ва 4 сотихли

хонада яратилган имтиёз ва имкониятлар туфайли амалга ошмоқда.

“Admiral group” масъулияти чекланган жамияти ҳам ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган 65,1 миллиард сўм қийматдаги лойиҳани амалга оширяпти. Бу яна 200 та иш ўрни яратиш ва йилга 322 минг тонна қўшмича маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради, йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларига етади.

Маҳсулотлар экспортга йўналтирилмоқда



“Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги “Quantity class” очик акциядорлик жамиятининг янги инвестицион лойиҳаси йил давомида 370 тонна бугдойни қайта ишлайди. Маҳсулот ички бозордан ташқари Афғонистон ва бошқа қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Шу кунга қадар 3 миллион долларлик маҳсулот экспортга чиқарилди. Истикболли лойиҳалар дастурига кўра, макарон ва омихта еш ишлаб чиқариш линиясини ишга

тушириш борасида ҳам иш олиб боришмоқда.

— Бу ерда ишлаб кам бўлганимиз йўқ, — дейди Фуқрат тумани “Шункор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шавкатжон Раҳмонов. — Илгари ёлланма ишчи эдим, одамларнинг ҳовлисидаги ишларни бажариб рўзгор тебратардим. Янги корхона ҳаёт тарзимизни ўзгартирди. Рўзгордан орттириб, уй-joyларни тикладим, “Spark” машинаси олдим. Буларнинг барчаси янги кор-

400 та янги уй қурилди, — дейди Учкўприк тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Гулчехра Жўраева. — Эркин иқтисодий зонага туташ бўлган бу янги уй-joyларга кўчиб келаётганларнинг аксариятини шу ердаги корхоналарда ишлаётган ёш оилалар ташкил этади.

Сирасини айтганда, иқтисодиётнинг реал секторларини қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган имтиёз, имкониятлар янги лойиҳа ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда. Бундан ташқари, эндиликда импорт ўрнини босувчи кўплаб маҳсулотлар маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилиб, экспортга йўналтирилаётгани билан эътиборни тортади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон”
муҳбири

ҚОНУНЧИЛИҚДА ЯНГИЛИК

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ

ЯНГИ ҚОИДАЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНАДИ

Сарвар ОТАМУРОДОВ,
“UZINSURANCE” компанияси бошқаруви раиси

Бугун мамлакатимиз иқтисодиётида кескин ижобий ўзгаришлар даври кечмоқда. Яъни иқтисодиётнинг барча соҳаларида жадал ўсиш кузатилмоқда. Экспертлар таъкидлашчи, иқтисодий ўсиш кўрсаткичи бўйича илғор мамлакатлар кўплаб ривожланган давлатлардан сезиларли даражада олдинда. Булар, албатта, тараққий этган мамлакатлардан инвестиция жалб қилиш бўйича юритилаётган фаол сиёсат билан изоҳланади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг жумладан, суғурта бозорининг ўзаро бовлиқлиги кучайишига олиб келади.

Ҳозирги босқичда суғурта бозори ҳам тез ривожланмоқда. Бу давлат даражасидаги эътибор, яъни соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилаётгани, суғурта фаолияти иштирокчиларига таъсир кўрсатадиган давомли интеграция жараёнлари билан боғлиқ. Қолаверса, иқтисодиётнинг турли сегментларида кузатилаётган ўзгаришлар турли хатарлар кўпайишига олиб келмоқда ва суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 23 ноябрда имзоланган янги

таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларга ечим бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. 29 моддадан иборат аввалги қонун 2002 йилда қабул қилинган бўлиб, кўпроқ тавсифловчи характерга эга ҳамда замон талаблари ва воқеликларига тўлиқ жавоб бермай қолганди. Соҳага оид барча зарурий муносабатлар шу пайтга қадар қонун эмас, балки қонуности ҳужжатлар билан тартибга солиб келинди. Вақт ўтиши билан соҳада кескин ўзгаришлар рўй берди. Бу, табиийки, қонунни замон талаблари,



қолаверса, жаҳон суғурта бозорига кузатилаётган тенденциялардан келиб чиқиб такомиллаштиришга катта эҳтиёж туғдирди.

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирда қабул қилинган қонуннинг асосий ғояси бевосита меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали суғурта фаолиятини тартибга солишни яхшилаш ҳамда бу соҳада халқаро стандартларни изчил татбиқ этишга қаратилган. 72 моддадан иборат қонунда суғурта ташкилотлари фақатгина акциядорлик

жамияти шаклида ташкил этилиши, суғурта шартномалари (полислари) электрон шаклда тузилиши белгиланган. Шунингдек, биргаликда суғурталаш, қайта суғурталаш, ўзаро суғурталаш юзасидан тушунчалар кенг ёритилган.

Яна бир эътиборли жиҳат — суғурталанувчилар, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатлари устуңлиги таъминланмоқда. Яъни суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг (суғурта ташкилотлари, суғурта брокерлари, аджастерлар, ассистанслар, актуарийлар, сюрвейерларининг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилди. Суғурта истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жисмоний шахслар билан тузилаётган ихтиёрий суғурта шартномаларида минимал суғурта таваккалчиликлари аниқ белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар киритилди.

Қонун суғурта бозорини ривожлантириш мақсадларини кўзда тутгани

66

Қонунда суғурта соҳаси комплекс қамраб олинган бўлиб, суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди. Бу, ўз навбатида, суғурта йўналишида муҳим аҳамият касб этувчи аҳолининг суғурта саводхонлигини ва уларнинг суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозори очиклиги ва ошкоролигини таъминлаш орқали унинг ривожланишига хизмат қилади.

билан ҳам аҳамиятли. Масалан, суғурта бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, умумий суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган нормалар акс эттирилди. Янги инновацион ва аъъанавий оммабоп суғурта хизматларини ишлаб чиқиш йўли билан тақдим этиладиган суғурта хизматлари қўламини, тури ва сифатини ошириш имкониятлари кенгаймоқда.

Қонунда суғурта соҳасида қулайликлар яратиш, суғурта қамровини оширишга қаратилган меъёrlар белгиланди. Хусусан, суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг

фойдаланиш масалалари батафсил очиб берилди.

Албатта, соҳа истиқболли замонавий билимларга эга малакали кадрлар билан белгиланади. Шу маънода, ҳужжатда суғурта бозори мутахассисларини замонавий ўқитиш усулларини қўлланган ҳолда, суғурта соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш орқали қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими баён этилди.

Умуман олганда, қонунда суғурта соҳаси комплекс қамраб олинган бўлиб, суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди. Бу, ўз навбатида, суғурта йўналишида муҳим аҳамият касб этувчи аҳолининг суғурта саводхонлигини ва уларнинг суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозори очиклиги ва ошкоролигини таъминлаш орқали унинг ривожланишига хизмат қилади.

МУЛОҲАЗА

Маълумотларга кўра, бугунги кунда сайёрамызда 1,5 миллиард гектар ерга қишлоқ ҳўжалиги экинлари экилади. Лекин ҳар йили 10 миллион гектарга яқин ер ташландиқ ҳолга айланиб бормоқда. Дунё бўйича сўғориладиган ерларнинг деярли 40 фоизи турли даражада шўрланган. 2050 йилга бориб, жаҳондаги қишлоқ ҳўжалиги ерларининг 50 фоиздан кўпроғи тупроқ сифати ва яроқсиз ҳолатга келиши билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши тахмин қилинмоқда.



ЕР – БЕБАҲО БОЙЛИК

УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СУНЬИЙ ЗОВУРЛАР ТИЗИМИ АСОСИЙ МУҲАНДИС-ТЕХНИК ЕЧИМ ҲИСОБЛАНАДИ

Обид РАМАЗОНОВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори

Ерларнинг деградацияси Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг ривожланишига ва озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган асосий муаммо ҳисобланади. Мамлакатимизда жами 4,3 миллион гектар сўғориладиган ер майдони бўлиб, унинг 44,7 фоизи ҳар хил даражада, жумладан, 31 фоизи кучсиз, 11,9 фоизи ўртача, 1,9 фоизи эса кучли шўрланган. Бундан ташқари, кейинги пайтда сўғориладиган ерларнинг назоратсиз сўғорилиши туфайли 38 минг гектар майдон экинларни етиштиришга яроқли жойлар рўйхатидан чиқарилоғ.

Эътироф этиш жоиз, сўнгги йилларда ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, заҳини қочирish ва шу тарика қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масалаларига эътибор кучайди. Сув ҳўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, 2020 йилда 13 минг 942 километр коллектор-дренаж тармоғи тизими равишда таъмирланган ва тикланган. Бу ва қўрилган бошқа чоралар туфайли 294,5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланиб, кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 29,8 минг гектарга камайган, сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 85,7 минг гектарга қисқарган. Ушбу ҳудудларда қишлоқ ҳўжалиги



экинларидан олинган ҳосилдорлик ўртача 2–3 центнерга ошди.

Республика бўйича 2021 йилнинг 9 ойи мобайнида эса ерости сизот сувларининг ўртача жойлашиш сатҳи 0 дан 2 метргача бўлган майдонлар 835,1 минг гектарни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 62,8 минг гектарга камайган.

Бу қисқа даврда эришилган катта ютук, албатта. Зеро, жамият фаровонлиги, унинг барқарорлигини белгилловчи омиллар таркибида мавжуд ер-сув захираларидан самарали фойдаланиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Сўғориладиган ерлар, шунингдек, ҳар хил даражада шўрланган тупроқлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда сунъий зовурлар тизими асосий муҳандис-техник ечим ҳисобланади. Тупроқ қатламидagi ортиқча намликни камайитириш (зах қочирish), сувда эрийдиган заҳарли туз, кимёвий бирикмаларни жорий шўр ювиш, етиштирилаётган экинларни меъёридан ортиқча сўғорганда ерости сувлари

ҳар йили кузда ёки эрта баҳорда, айниқса, Хоразм ва Қорақалпоғистонда дала-ларни шўр ювишга тайёрлашда бажариладиган технологик жараёнларга (ерни ҳайдаш, полларга ажратиш, ўқариклар олиш ва сув тупроқ сатҳидан шимилиб кетгач, далаи текислаш, ўқарикларни кўмиш) сарфланадиган меҳнат ва молиявий харажатлар 35–40 фоизга қисқаради. Тупроқлари гидроморф намланиш тартибига мансуб дала-ларнинг экин-лар илдизи тарқалган қатламида сувда эриган озука моддаларнинг диффузион ҳаракати жадаллашад ва уларнинг томири орқали ўсимлик танасига ўтиши таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, кластер, фермер, деҳқон ҳўжалик-ларида меҳнат қилаётган тадбиркор мутахассислар, деҳқон ва ишчилар онгида шўрланган, шўрланишга мойил ерларда мунтазам равишда даромадли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш, барқарор экологик-мелиоратив вазият яратиш мумкинлигига ишонч ҳосил бўлади.

сатҳини “хавфли” чуқурликда бошқаришга шароит яратади.

Ҳозирги даврда айрим вилоятлар, туманлар мисолида ерости сувларининг чуқурлиги ўртача 1,6–2,1 метрни ташкил этади. Сахро ва чўл иқлим шароитидаги ҳудудларда, айниқса, ўтган асрнинг 60–70-йилларида янги ерларни ўзлаштиришда ландшафт тузилиши, хусусиятларини инобатга олмасдан сўғориладиган ерларда деҳқончилик қилиш натижасида бўз-сахро тупроқларнинг ярим гидроморф, гидроморф намланиш тартиби ўзгарди ва бўз, бўз-ўтлоқ, ўтлоқ тупроқлар шаклланди.

Сўғориладиган деҳқончилик ҳудуд-ларида йилдан-йилга мураккаблашиб бораётган сув ҳўжалик, гидрогеологик-мелиоратив ва тупроқ-экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун собиқ иттифоқ даврида илмий, техник-иқтисодий нуктаи назардан талаб даража-сида асосланмаган лойиҳалар бўйича қўрилган коллектор-зовурлар тармоғини қайтадан кўриб чиқиш ва қуриш ҳозирги куннинг муҳим талаби. Мазкур иқтисодий муаммонинг ҳал этилиши деҳқончиликка қатор афзалликларни тақдим этади.

Жумладан, сўғориладиган деҳқон-чилик ҳудудининг текислик қисмидаги мавжуд зовурлар ўрнига 1,6–1,8 метр чуқурликдаги бирламчи ва йиғувчи ёпиқ тармоқнинг қурилиши бажариладиган технологик жараёнлар (траншея қазих, зовур қувирини жойлаштириш, уни қайта тупроқ билан тўлдириш, шиббалаш ва ҳоказо) ҳажми ва меҳнат сарфини 45–50 фоизга камайтиради.

Шунингдек, тупроқлари кам, ўртача ва қайта шўрланишга мойил ерларда

Жараён

МУШОҲАДА

ДЕМОГРАФИК ДИВИДЕНД

АҲОЛИ СОНИНИНГ КўПАЙИБ БОРИШИ БОШҚА ОМИЛЛАР БИЛАН УЙғУНЛИКДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ, ИЛМИЙ ВА МАДАНИЙ ЖИҲАТДАН ТЕЗКОР РИВОЖЛАНИШИГА ИМКОНияТ ЯРАТАДИ

Зулҳумор ТОЖИЕВА, Ўзбекистон Миллий университети профессори, география фанлари доктори

Янгича иқтисодий муносабатлар, янгича дунёқарашлар шароитида, ҳудудларнинг табиий, иқтисодий-ижтимоий ва демографик тараққиётида аҳоли, хусусан, инсон омили масаласи, унинг роли ва ривожланиши, тутган мавқеи, таъсири, салоҳияти ва салмоғини ҳисобга олиш алоҳида ўрин тутати.

Аҳоли сони, кўпайиши ва унинг манбалари, яъни туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, механик ҳаракат каби демографик жараёнлар мавжудки, янгича иқтисодий ривожланиш шароитида мазкур жиҳатларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Чунки ҳар бир ҳудуд мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ривожланиши бевосита аҳолининг демографик қарашларида, майлида, хусусан, никоҳга кириши, оилада фарзандлар туғилишида бевосита акс этади. Бу эса бир бутун ҳудудлар, қишлоқлар, шаҳарлар демографик ривожланишини ва вазиятини белгилаб беради.

Ўзбекистон аҳоли сони бўйича ўртача демографик салоҳиятга эга давлат ҳисобланади. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йил ноябрь ойи бошига келиб, унинг аҳолиси 35 миллион 176 минг кишини ташкил этди. Бу борада Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейинги ва Марказий Осиё давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллайди.

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Мамлакатимизнинг демографик тарихи аҳоли турли даврларда ҳар хил суръатларда ўсиб боргани билан тавсифланади. Жумладан, 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 3 миллион 948 минг киши истиқомат қилган. 1913 йилга келиб, яъни 15 йилдан сўнг бу рақам 4 миллион 331 мингга етган. 1926 йилги аҳоли рўйхати натижалари эса бу ерда 4 миллион 629 минг киши яшашини кўрсатган. Собиқ иттифоқда 1989 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати даврида Ўзбекистон ҳудудида 19 миллион 780 минг киши истиқомат қилган.

Аҳоли ўртасида ҳар минг кишига нисбатан туғилаётганлар миқдори 1990 йилда 33,7 нафардан бўлгани ҳолда, 1999 йилда бирдангига 22,3 тага (промпиллега) тушган. 2020 йилда эса бу кўрсаткич бироз кўтарилди, яъни ҳар минг кишига нисбатан туғилиш 24,6 та, ўлим даражаси эса 4,6 та ва бунга мутаносиб равишда табиий кўпайиш 20 тани ташкил этди.

Сўнгги йилларда мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими тубдан такомиллаштирилди, она ва бола соғлиғига эътибор кучайтирилди. Натижада Ўзбекистон аҳолиси демографик ривожланишида энг муҳим ютук — ўлим ҳодисасининг барча ёш гуруҳларида камайишига эришилди. Қисқа вақт оралиғида (1991–2020 йиллар) аҳоли ўлими умумий кўрсаткичи 13,1 фоиз, бир ёшгача бўлган болалар ўлими 61,6 фоиз қисқарди.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аҳоли ўртасида туғилиш ва табиий кўпайиш юқорилиги меҳнат ресурслари кўпайишини таъминлаб келмоқда. Ўзбекистон доимий аҳолисининг 56 фоизини ташкил этадиган меҳнат ресурслари ижобий демографик вазият туфайли барқарор ривожланмоқда. Аммо янги иқтисодий муносабатлар даврида уларга талаб ва тақлиф ўртасида номутоносиблик пайдо бўлиши аҳоли ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши билан боғлиқ муаммоларга олиб келиши табиий. Бу муаммолар, айниқса, меҳнат ресурслари шаклланиши, фойдаланиш, тақсимлаш жараёнларида яққол кузатишмоқда.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, юртимиз меҳнат ресурслари сони 1991 йилда 10 миллион 213,2 минг, 1995 йилда 11 миллион 111,4 минг, 2001 йилда 12 миллион 740,1 минг, 2005 йилда 14 миллион 453,6 минг ва 2020 йилда 19 миллион 158,2 минг кишига етди ёки барча даврда аҳолининг тенг ярми ва ундан кўпини ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, айнан мустақиллик йилларидаги демографик ривожланиш ва фарзандлар туғилиши кўрсаткичи камайгани меҳнат ёшигача бўлганлар улушида янада яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, 1989 йилда жами аҳолининг 43 фоизи 0–15 ёшгача бўлган ёш болаларни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 30 фоизга тенг бўлди. Умумий аҳоли таркибида ёш болалар сони ва улуши камаётгани оилаларда туғилиш даражаси камайгани, кўп фарзандликдан ўрта даражага ўтилганидан далолат беради. Шу ўринда мамлакат аҳолиси-



ЯНГИ ИМКОНияТ ЭШИКЛАРИ

Демографик ўтиш даврида меҳнат бозорига кириб келган ишга лаёқатли ёшдаги аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизлик муаммолари бўлиши табиий. Жаҳон тажрибасида шундай босқични кечирган давлатлар қулай демографик вазиятдан унумли ва самарали фойдалангани ва шу орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришганини кузатиш мумкин. Бундай жараён “демографик имконият эшикларини” очди. Дунёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан, Сингапур, Жанубий Корея, Таиландда ҳам

ҳатидан эмас, балки соғлом, замон талабига мос олий маълумотли ва юқори малакали мутахассисларнинг жамиятда кўпайиши билан белгиланади.

Бугунги кунда юртимизда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ошгани, кўплаб янги олий таълим муассасалари очилгани, нафақат кундузги, балки кечки, сиртки таълим шакллари йўлга қўйилгани демографик имконият эшикларидан фойдаланишнинг энг самарали йўлларидан биридир. Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2021 йилга келиб, 28 фоизга етказилди. Келгусида ушбу кўрсаткич 50–60 фоиз атрофида бўлиши кутилаётир.

Мамлакатимизда аҳоли таркибида болалар ва ёшлар салмоғи катта ёшлардан ҳаммиша юқори бўлган. Аммо охири 30 йилда фақат аҳолининг репродуктив майлидаги ўзгаришлар туфайли ёш болалар сониди




нинг ёш таркибида, аксинча, меҳнат ёшдаги ва ундан катталар ҳиссаси йилдан-йилга ошиб бораётганини кўриш мумкин.

ДЕМОГРАФИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШМИ ЁКИ ДЕМОГРАФИК ўТИШ ДАВРИ?

Юртимизда XX аср охиридан бошлаб янгича кўринишдаги демографик жараёнлар, яъни туғилиш, ўлим кўрсаткичлари камайиши, аҳолининг миграцион ҳаракатчанлиги ортишида ҳудудий фарқлар кузатишмоқда. Оилага, никоҳга, фарзандлар туғилишига, тарбиясига масъулият билан қарайдиган шахслар шаклланди. Уларда вужудга келган демографик хулқ, маданият мамлакатимизда янгича демографик онгни, қарашларни, вазиятни пайдо қилди ёки бу жараёнлардаги янгиликлар, аҳоли муносабатларидаги замонавий қарашлар демографик модернизациялаш шароитига ўтиш учун асос бўлди.

Демографик модернизациялашни аксарият олимлар Европада бошланган демографик ўтиш даври, хусусан,



Демографик модернизациялашни аксарият олимлар Европада бошланган демографик ўтиш даври, хусусан, туғилиш ва ўлимнинг юқори даражасидан паст даражасига ўтиш билан боғлашди. Ўша даврда бу демографик модернизациялаш эмас, балки демографик ўтиш даври ёки демографик инқилоб, деб номланган. Демографик ўтиш ва демографик инқилоб тушунчалари ўтган 20-асрнинг ўрталаридан маълум бўлиб, ilk бор 1934 йили француз демографи Адольф Ландри, кейин эса 1950 йилда америкалик демограф Фрэнк Ноутстайн томонидан фанга киритилган.

туғилиш ва ўлимнинг юқори даражасидан паст даражасига ўтиш билан боғлашди. Ўша даврда бу демографик модернизациялаш эмас, балки демографик ўтиш даври ёки демографик инқилоб, деб номланган. Демографик ўтиш ва демографик инқилоб тушунчалари ўтган 20-асрнинг ўрталаридан маълум бўлиб, ilk бор 1934 йили француз демографи Адольф Ландри, кейин эса 1950 йилда америкалик демограф Фрэнк Ноутстайн томонидан фанга киритилган.

Бугунги кунда юртимиз аҳолиси демографик ривожланишида ҳам айнан ўтиш даври юз берди ва бу давом этмоқда. Демографик ўтиш даврида шаклланган аҳолининг репродуктив майли, аввало, демографик жараёнларга, биринчи навбатда, туғилишга ўз таъсирини кўрсатди. Оилаларда ўзининг демографик фаолияти, яъни фарзандлар туғилиши, авлод яратиш каби вазифаларига нисбатан ижтимоий масъуллик кенгроқ ўрин эгаллай бошлади.

1990 йилларга қадар Ўзбекистон туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар гуруҳига кирар эди. Агар 1985–1989 йилларда туғилишнинг йиғинди коэффиценти 4,70 тани ташкил этган бўлса, 1990–1991 йил-

демографик ўтиш даври кузатишган. Улар вужудга келган имкониятдан самарали фойдалангани боис, ҳозир иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига кирганини инкор этиб бўлмайди.

Демографик имконият эшикларини айнан меҳнатга лаёқатли аҳоли сони кўпайган, аксинча, аҳоли ёш таркибида меҳнат ёшигача бўлганлар ва ундан катталар улуши кам пайтда очилди. Бунда салоҳиятли меҳнат ёшдаги аҳолидан ўз вақтида унумли фойдаланиш талаб этилади. Ваҳоланки, ишчи кучи, моддий бойлик яратувчи кишилар сони кўп бўлиши ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай давлат учун фойдали. Бундай қулай демографик вазият туғилиш кўп, никоҳ муносабатлари барқарор, ўлим ҳодисаси кам ва аҳоли умумий сонига

тобора камайиш жараёни рўй бераётганини кўрамыз. Бу эса муайян вақтдан сўнг аҳоли прогрессивдан стационар таркибга ўтиши мумкинлигини аниқлатади. Натижада, аввало, аҳоли сони кўпаймасдан ўзгаришсиз қолади, кейинчалик эса ҳатто камайиб боради. Стационар ва регрессив аҳоли таркибида ёш болалар ва ўсимирлар сони ҳозиргидек кўп бўлмайди, яъни улар сони йилдан-йилга қисқариб, ўрта ва катта ёшдагилар кўпчилигини ташкил эта бошлайди. Бундай вазият аҳоли ўртасида кейинчалик қариялар улуши кўпайишига, ўлим ҳодисаси ошishiга олиб келиши мумкин. Бу эса меҳнат бозорига ва пенсия жамғармасига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Иқтисодий ислохотлар жадал кечаётган бир даврда аҳоли сони кўпайиб бориши, қулай табиий шароит мавжудлиги, табиий ресурсларга бойлигимиз иқтисодий-ижтимоий, илмий ва маданий жиҳатдан ривожланиш имкониятини яратади. Шу боис, демографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли яшаш шароитида, ишлашида пайдо бўладиган муаммоларнинг олдини олиш, унинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, оналар ва болалар соғлигини эътиборга олиш, келажак учун етук баркамол авлод яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бу вазифани қандай ҳал этишнинг устувор йўналишлари янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, эхтиёжманд аҳолини манзилли кўплаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағаллигини икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда.

2025 йилга бориб мактабгача таълимдаги камров даражасини ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50 фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини оширишга бирламчи вазифа сифатида қаралади.

Аҳоли саломатлигини таъминлашга йўналтирилган маблағларни 2 баробар ошириш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш чоралари қўрилади.

Умуман олганда, мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, мамлакатимиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар бўйича 2030 йилга бориб, жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Табиийки, бундай улкан мақсадларга эришишда демографик салоҳият ҳам катта ўрин тутати.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Наманганда бутун 30 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг тақдирлари, орзу-истаклари шу юрт истиқболи билан чамбарчас боғлиқ.

— Ўзбеклар меҳмондўст, инсонпарвар, бағрикент миллат, — дейди Мингбулоқ тумани қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Алишер Қўшбоев. — Яшаш тарзимиз бир. Ота-боболаримиз аҳил-иноқ бўлиб яшаб келган. Яхши-ёмон кунларда ҳам доим елкадош бўлган. Аждодларимиздан мерос қардошлик анъаналарининг бутун ҳам давом этаётгани янги Ўзбекистонимизда тинчлик ва фаровон ҳаётимизнинг кафолати бўлиб хизмат қилаётир.

Минтақада яхши қўшничилик ва ҳам-жихатлик муҳитини қарор топтириш, узоқ-яқин давлатлар билан тинчлик, дўстлик, ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга юртимизда устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимизнинг “Агар биз қўшниларимиз билан яқин муносабатларни йўлга қўймасак, бошқа минтақадаги давлатлар билан қандай ҳамкорлик қиламиз, қандай қилиб бошқа давлатлардан инвестиция жалб этамиз?” деган гаплари бугунги сиёсатимизнинг максатига айланган.

2018 йил баҳорида давлатимиз раҳбарининг Қирғизистон ва Тожикистон республикаларига расмий ташрифлари тарихий ҳамда сиёсий аҳамиятга молик муҳим воқеа бўлди. Ушбу юксак даражадаги учрашувлар самараси ўлароқ, кўп йиллик танаффуздан сўнг давлатларимиз ўртасидаги чегараларнинг очирилиши чинакам байрамга айланиб кетди.

Ушанда асли тожикистонлик Ўғилой Қурбонованинг қанчалар қувонганини сўз билан таърифлаш қийин. Тақдир тақозоси билан Наманганга келин бўлиб тушган Ўғилой опа бугун 75 ёшни қаршилади. Ўқитувчи эмасми, атоқли тожик олими Зариф Ражабов ўз даврида айтган “Марказий Осиёда энг яқин алоқалар ўзбек ва тожиклар ўртасида” деган сўзларни эслайди. Миллатларимиз яқинлигига буюк сўз даҳолари — Алишер Навоий ҳамда Абдурахмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик замин яратган бўлса, не ажаб.

— Икки давлат Президентларининг учрашуви куни ота юртим — Душанбеда эдим, — дейди Ўғилой опа ҳаяжон билан. — Шавкат Мирзиёев “Мен Тожикистонга чегараларни очиб, ёруғ ўз билан орамиздаги дарвозанинг ҳеч қачон ёпилмаслигига ишониб келдим”, деганларида хурсандчилигимни бир курсангиз эди.

Кейинги кунни юмуш билан бозорга тушдим. Савдо-сотик билан шуғулланаётган одамлар ўзбек ва тожик тилларида бир-бирларини хурсандчилик билан табриклаётганига гувоҳ бўлдим. Икки давлат раҳбарларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ҳақида тўлқинланиб сўзлашяпти. Бу ажойиб манзарани кузатарканман, беихтиёр гурурландим.

Бир дарёдан сув ичган қардош халқларимиз

Солия Қўшбоева Қирғизистондан Наманганга келин бўлиб тушганига ҳам неча баҳор, неча киш ўтди. Бугун ўз она юрти — Қирғизистонга эмин-эркин бориб келяпти. Илгирги чекловлар ва турли тўсиқларни оғриқ билан эслайди.

— Ҳар гал чегара орқали ота уйимга йўл олганимда, чегарадаги ўтиб-қай-

тувчи одамларнинг юз-кўзларидаги қувончни кураман, — дея ҳикоя қилади Солия ая. — Ахир қувонмай бўладими? Минг йиллардан буён бир дарёдан сув ичган халқимиз. Алоқаларининг тикланиши, биринчи навбатда, оддий одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Жалолобод вилоятининг Олабуқа тумани Чустга чегарадош. Ота-онам, қариндошларим тўй қилса, чегарадан ўтолмасдик. Онам вафот этганида, бир ҳафта сарсонгарчиликлардан сўнггина ўтганман. Таъзияда қатнашиш насиб этмаган. Қайтаётганимизда ундан-да оғир муаммоларга дуч келганмиз. У кунлар, яхшиямки, ортда қолди.

Айтганча, Солия оланинг беш ўғил-қизи олий маълумотли. Набираси Моҳинур Қозон шаҳрида, Дилноза Ўш шаҳри олийгоҳида таҳсил олмоқда.

“Самарада туғилиб, Наманганда бахт топдим”

Туманнинг Ойбек маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Мария Назарова шундай ҳикоя қилади:

“Одамнинг боши тошдан, дейди ўзбеклар. Ҳақ гап. Ҳаёт бўронлари уни қаерларга обориб ташламасин, тиришиб-тирлашиб кун кечиради, элга хизмат қилади, умр ўтказди. Асли Россиянинг Самара вилоятида туғилганман. Ота-онам олти ойлик чақалоқлигимда тақдир тақозоси билан Наманган шаҳрига келиб қолган. Отам Александр Зотов ҳарбий бўлиб, Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларидаёқ фронтга кетиб, қайтмаган. Онам Александра Агаева технолог эди. Эллигинчи йилларда Жомашўй қишлоғига кўчиб келганмиз. Онам бу ерда турли вазифаларда ишлаб, пенсияга чиқди. Шу ерда вафот этди.

Мен Наманган бухгалтерлар тайёрош мактабини битириб, 1949 йил 25 сентябрдан янги ерлар ўзлаштириш билан шуғулланувчи қурилиш-монтаж бошқармасига ҳисобчи бўлиб ишга кирдим. Қирк беш йил шу касбда ишладим. Ўз вазифамни сидқидилдан, ҳалол адо этдим. Касаба уюшмаси, хотин-қизлар кенгаши фаолиятида фаол қатнашдим. Бошқармада экскаваторчи бўлиб ишлаган Сергей Назаров билан турмуш қуриб, икки нафар қиз фарзанд кўрдик.

Бизнинг ишларимизни авлодларимиз муносиб давом эттиряпти. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, айниқса, кейинги йилларда катта ўзгаришлар содир бўлди. Жомашўй шаҳарчаси янада ободонлашди, ажойиб хиёбонлар барпо этилди, этиляпти.

Турли сабаблар билан баъзи русийзабон одамлар Россияга кетиб қолди. Баъзан мендан ҳам “Кетасизми?” деб сўрашади. “Йўқ, ҳеч қаёққа кетмайман!” деб жавоб бераман. Мен ақлимни шу юрда танидим. Шу тупроққа онамни, турмуш ўртоғимни, қанча дўстларимни қўйдим. “Туққан эмас, боққан она”, дейишади қариялар. Ўзбекистон менинг Ватаним, ўзбеклар яқин қондошларим, жондошларим. Қўшниларим Иродахон

Чўлпонойнинг отаси Абдунаби ака Икани энг яхши куёвим деб эътироф этиб, ундан мингдан-миг рози эканини изҳор қилди. Ҳозир Чўлпонойдан бахтли она, суюкли рафиқа, яхши келин йўқ. Қайнонаси Мария Ли Чўлпонойни мактагани-мактаган. Бундай келин қайда бор, ахир?

Оналар дуоси ижобат бўлаверадидоим. Бу, айниқса, Чўлпонойнинг фаолиятида яққол билинди. У туман халқ таълими бўлимида услубчи, кейин Шаҳар Рашидов номидаги лицей директориға маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосар, сўнгра 14-умумтаълим мактабига директор бўлди. “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

— Чўлпонойни яхши кураман. Орандан қанча йил ўтди, заррача афсуслан-

мач учун ибрат мактаби бўлажак тотли турмушига ҳайрату ҳавас билан боқсан. Илоҳо, кўз тегмасин!

Хайр-саховат, оқибатни бурч деб билганлар

Жомашўй шаҳарчасининг Озодлик кўчасида Турсуной ая исми муътабар онахон яшарди. Уни кўпчилик йўқлаб турган, ая эса узундан-узоқ дуо қилиб, замонага шукрона келтирарди. Эртами-кечми, бу уйнинг эшиги умуман қулфланмаган.

Ая вафот этганида ҳам унинг ёлғизлиги билинмади. Маҳалла фаолларига маросим учун зарур нарсалар тақсимланди. Нафақат таъзия, балки барча

Туманда ўзгалар меҳрига муҳтожлар қалбига малҳам бўлаётган саховатли кишилар кўп. Ҳукуматимизнинг барча имтиёзларидан фойдаланаётган, айна чоғда меҳрибон кишилар ҳароратини туяётган отахон-онахонларимизнинг қувонганича бор. Доимий бириктирилган ҳомийлар, ижтимоий соҳа ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, “Саховатли болалар” гуруҳлари уларнинг жонларига оро кирмоқда.

Қизил ярим ой жамияти туман бўлими раиси Раънохон Холиқова ҳамроҳлигида Зайтуна Галкиевани йўқлаб бордик. Эшиги ланг очик. Ижтимоий соҳа ходимлари уй юмушларини бажараётган экан. Бизни кўриб, аянинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Халқимиз жуда мурувватли, бағри кенга, — кўзига ёш олади Зайтуна опа. — Буни оғир касал бўлиб ётиб қолганимда теранроқ англадим. Шундай жаннатмонанд юрда, меҳр-оқибатли кишилар орасида яшаётганимга шўкр қиламан.

Хайр-саховат, оқибатни бурч деб билганларнинг бу ишларидан кўнглиларга илиқлик юғурди. Эндиликда улар саъй-ҳаракати билан эшиги ҳамisha очик уйларга янаям кўпроқ меҳр ва мурувват киряпти.

“Москвада нима бор?”

Евдокия Алексеевна москвалик қизининг таклифига ана шундай тарзда рад жавоби қайтарди.

Гулбоғлиқлар уни “Дуся хола” дейишга одатланиб қолган. Аслида Россиянинг Иркутск вилоятида туғилган Евдокия Хусанова Ўзбекистонга келиб, Мингўрикнинг Янги Гулбоғ маҳалласида камол топди.

Уруш йиллари эди ўшанда. Навқирон қиз билан алпқомат Қаримбой жангу жадаллардан эсон-омон чиқса, турмуш қуришга ахдлашганди. Ниятлари пок экан. Уларнинг ширин орзулари рўёбга чиқди. Келин-куёв биргаликда Гулбоғ қишлоғига келиб, турмуш курди. Бола-чақали бўлди, келин-куёв ҳам кўрдилар.

Бугун Дуся хола фахр билан “Мен гулбоғлиқман”, дейди “Қаерликсиз?” дегувчиларга. Маҳалла фаолларидан бирига айланган. Тўй-маъракалар усиз ўтмайди. Келини Дания ҳам қайнонасига ўхшайди. Қўни-қўшнлар билан жуда ахил. Ўғли Селим қишлоқ ҳўжалик техникаларини таъмирлаш бўйича қишлоқдаги энг тажрибали усталардан.

Дуся холанинг Москвада яшовчи қизи Зинаида “Мен билан яшанг”, деган таклиф билан тез-тез кўнгирак қилиб туради онасига. “Москвада нима бор, қизим? Яхши яшайман. Иссиқ ўрнимдан қўямасин”, дея қатъий рад жавобини қайтарди 95 ёшли Дуся хола.

Дуся холанинг Москвадек шахри азимга кетишга хоҳиш билдирмаётганиги бежиз эмас. Рост-да, ўзи айтганидек, шунча таниш-билиш, қадрдонларини ташлаб, танимайдиган жойда нима бор? Мухтасар айтганда, Ўзбекистондек ягона оила фарзандларининг доимий оdatи ва анъаналари барча миллат ва элат вакиллариининг қон-қонига сингиб кетган. Эндиликда ўзаро самимий муносабат, тил ва дил билдирги оддий турмуш тарзидан тортиб, жиддий муаммоларни ҳамжихатликда ҳал қилишда намоён бўлаётгани нақадар қувонарли. Юртимизда яшаётган турли миллат кишилари учун бундан-да катта бахт борми?!

Қосимжон АКБАРОВ,
“Мингбулоқ” газетаси муҳаррири,
Орифжон ЖҲРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ФАРОВОН ВА ОСУДА ҲАЁТ ОҒУШИДА



ва Гулноза ўз сингилларимдек, фарзандларимдек меҳрибон. Уйлари, болаларини менга ишониб ташлаб кетади. Бир кун қуришмасак, соғиниб бир-биримизни излаб қоламиз.

Маҳалланинг барча катта-кичиги юрагимга яқин кишилар.

Тўйларига, маросимларига бораман. Ўзбекча-русча рақсларга тушамиз. Қандай ажойиб! Мен ўзбек тилини, ўзбек удумларини, ҳатто ислон ақидаларини ҳам яхши биламан, қадрлайман. Илоҳим, шу серкуёш, меҳмондўст юрт гуллаб-яшнасин, унга кўз тегмасин, доим тинчлик-хотиржамлик бўлсин.

Оналар дуоси ижобат бўлмай

20 ёшида Жомашўй шаҳарчасига ишга келиб, яшаб қолган Чўлпоной Хусановани жуда кўп одам яхши кўрарди. Негаки, тиниб-тинчимас бу ўқитувчи қиз машғулотлар билан чегараланмасдан, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга уринарди. Ўз ишидан ортиб, ҳатто, ҳўжалик юмушларига ёрдам берарди. Уч мавсум пахта териш машинасини бошқариб, улкан хирмон тўпланган. Уша йилларда корейс йигити Ика Лим билан турмуш қуради. Ика ислонни қабул қилган, отини Иброҳим деб ўзгартарди.

ганим йўқ! Аксинча, тобора ўзбеклашиб борапман, — дейди унинг турмуш ўртоғи.

Меҳр-муҳаббатнинг қудратини қаранг. Ҳозир Ика ўзбек йигитига, Чўлпоной корейс қизига ўхшаб кетибди. Қизлари Татьяна ва Тамарани айтмай-сизми? Улар ўзбек оилаларининг бахтли, сеvimли келинлари.

Байналмилал оила Ватан ичра Ватан яратди. Уларнинг бахтли, бошқалар

маросимлари рисоладагидек ўтиши таъминланди. Буни кўриб маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар номига раҳматлар ёйилди.

Евгения ва Ирина Кравчук, Турсунбой Абдуқодировнинг маросимларида ҳам уларнинг ёлғизликлари сездирилмади. Маҳаллалар оқсоқоллари уларга ҳомий этиб бириктирилган туман фаоллари билан белни маҳкам боғлаб, хизматда бўлди.

— Ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимий диққат марказимизда, — дейди туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Раънохон Холиқова.

— Ана шу тоифадаги 102 кишига туман ҳокимининг қарори билан ҳомийлар бириктириб қўйилган. Вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботи эшитиб борилади.

Ишимиз юзасидан Эрийгит Урмонов номидаги кўчада жойлашган 42-уйда бўлди.

Ижтимоий соҳа ходимаси Сабохон Абдурахмонова шу ерда экан. Худди шу оила фарзандидек қарши олди бизни. Туман тиббиёт бирлашмаси шаънига самимий фикрлар айтди.

— Газетага ёсангиз, Президентимизга алоҳида миннатдорчилигим борлигини ҳам қўшиб қўйишни унутманг, — дейди хонадон соҳибаси Мария Сухимина.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3912

75974 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:15 Топширилди — 23:10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz